201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

19 (503) ● 2018 йил 9 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, халқнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўзининг ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходимларини зарур билим ва кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди.

Хусусан, 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолият юритмоқда. Олий ўқув курсларида 2007-2017 йиллар давомида 4318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш таъминланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этмоқда.

2-бет

Сана

ХОТИРА, ҚАДР — УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ НАМОЙИШИ

Инсонни улуғлаш, кекса авлод вакилларига меҳр ва эътибор кўрсатиш энг эзгу амаллардан бири саналади. Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида ҳурмат бажо келтирилади, сафимизда кексалик гаштини сураётган отахонлар ҳолидан хабар олинади.

Ушбу анъана бу йил ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони, "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида муносиб давом эттирилмоқда.

3-бет

Фракция фаолияти

ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракциянинг 2018 йил чора-тадбирлар режаси муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар яна бир бор такомиллаштириб олинди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, халқ билан мулоқот қилиш жараёнида фракциямиз аъзолари фаол иштирок этишга интилмоқда, — деди С. Отамуратов. — Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан сўнг фракциямизнинг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси қабул қилиниб, жорий йилнинг ўтган даврида шу асосида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, фракция партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идора ва ташкилотларга аниқ таклифларни тақдим этиб келаётир. Масалан, маданий мерос соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди.

2018 йил, давлат дастурининг 190 банди ижросини таъминлаш мақсадида маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказишда партия фаоллари, депутатлар, мутахассислар ва "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этдилар. Тўпланган материаллар Маданият вазирлигига тақдим этилди.

4-бет

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлади.

Асосий қонунимизда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланган. Жумладан, Конституциямизнинг XIII боби тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланган. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

3-бет

Очиқ мулоқот

ЁШЛАРИМИЗ БУГУН НИМАЛАР БИЛАН БАНД?

Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпини ёшлар ташкил қилади. Ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, иқтидорини ривожлантириш, ахборот хуружлари ва носоғлом муҳитдан ҳимоя қилиш — ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган тизим уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, муаммоларини ўрганиш ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан "Депутат билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашдан иборат.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов вилоят ёшлари билан учрашди.

5-бет

ЎзМТДП: устувор вазифалар

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ

МИЛЛАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бу теран маъноли фикр мамлакатимизда мавжуд маданий мерос объектлари, тарихий ва археологик бойликларни асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш бўйича амалга оширилаётган ишларда ўз аксини топмоқда. Зеро, ўлкамизда ана шундай нодир обидалар, ноёб дурдоналар бисёрлиги мамлакатимизнинг жаҳонда муҳим туристик марказлардан бири бўлишига замин яратади. Маданий мерос объектлари халқимизнинг ўтмишидан, бой тарихидан дарак беради. Уларни муҳофаза этиш ва оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу борада шу йилнинг 16 январида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойиши муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган йиғилишда мазкур соҳада партия ва депутатлик бирлашмалари олиб бораётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Унда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш борасида ЎзМТДП томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

4-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ва қадриятларига эътиборини кучайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган ижрочиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижросини ташкил қилишга ва уларнинг ўз вақтида ижро этилиши мониторингини амалга оширишга ҳар тарафлама кўмаклашиш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши бўйича халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирларни, мамлакатимизда мақсади ва шартлари инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўлган демократик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда 2018 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги барча мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари маслаҳати кўмагида Дастур амалга оширилишининг боришини кенг ёритиш бўйича мавзули эшиттиришлар, кўрсатувлар ва материаллар эълон қилинишини ташкил этиш тавсия қилинсин.

Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
Ф А Р М О Н И

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш;

прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилансинки:

а) Академияда касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш қуйидаги дастурлар бўйича амалга оширилади:

прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш;

прокурор-тергов ва таҳлилий ишларни юритиш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан касбий билим ҳамда кўникмаларни чуқурлаштиришга, шунингдек, ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва методларини ҳамда бошқарув асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илғор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш;

б) прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этади;

в) прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар прокуратура иш ўрганувчилари лавозимига тайинлангунига қадар мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академияда асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиш;

истисно тариқасида, мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтмаган шахсларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи билан келишилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Академия магистратурасига қабул қилиш квоталарини белгиласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академиянинг тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

ўқув жараёнини таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Академия прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

прокуратура органлари ходимлари келгусида прокуратура органларининг ўзлари эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимларида хизматни давом эттиришини таъминлаган ҳолда Академияда хизмат ўташ учун ротация тартибида жалб этилиши мумкин;

Академия ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

даражали унвонга эга бўлган Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланадилар ва мақом бўйича Академия тегишли тармоқлари (бўлимлари)нинг прокурорлари бўлиб ҳисобланадилар;

2018 йилнинг 1 июнидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Академия ходимларига прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган оширилган тариф коэффициенти ва алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ўз таркибига олувчи лавозим маошига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

Академия фаолияти Давлат бюджети, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Академияда тўлов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушадиган маблағлар Академиянинг ўқув ва моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Академияга:

етакчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қилишга;

прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича таълим олаётган номзодларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун тўловларни прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Академияга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда илмий-амалий стажировкаларни ташкил этиш борасида ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Академия:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Академия ахборот-ресурс марказини мустаҳкамлаш учун босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул назорат нусхалари (бир нусхада);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уч ой муддатда:

Академия Уставини, прокуратура органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларини, Академия магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академия штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

Академияни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга, шунингдек, хорижий тилларни эгаллаган малакали кадрлар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видеоконференцалоқа ва масофавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда "Электрон таълим" миллий тармоғига уланишини;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий ва узлуксиз равишда киришини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академияга зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биноларининг ягона мажмуини қуриш доирасида Академия қурилишини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–727-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 май

Сана

ХОТИРА, ҚАДР — УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ НАМОЙИШИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Марказий ва ҳудудий ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида турли тадбир ва учрашувлар ташкил этмоқда, жойларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларидан хабар олаётир. Партия "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" маданий тадбирлар билан бирга, ободонлаштириш акцияларини ўтказмоқда. ЎзМТДПнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлашга хизмат қилади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас" мавзусида маънавий-маърифий анжуман ташкил этилди. Унда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Партия етакчиси қайд этганидек, букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиздир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ватан озодлиги йўлида кўкси қалқон бўлган ота-боболаримиз ҳамда юртнинг асл ўғлонлари хотирасини ёд этиш, шу билан бирга, орамизда яшаб, кексалик гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийларига алоҳида эҳтиром, ҳурмат кўрсатишнинг ёрқин намунаси бўлди.

Тадбирда пансионат директори Фарангиз Акрамова сўз олиб, бугун юртимизда кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, ёвга тик қараб, оловли жангоҳларда Ватан озодлиги учун курашган, фронт ортида оғир ва машаққатли меҳнати билан ғалабага юксак ҳисса қўшган отахон-онахонлар бугунги ҳурмат ва эҳтиромдан мамнун, тинч-осойишта ва фаровон ҳаёт учун шукрона айтиб, қўллари мудом дуода.

Тадбир давомида уруш қатнашчилари фронтдаги хотиралари билан ўртоқлашиб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Бу каби учрашув ва мулоқотлар тинчлик аталмиш бебаҳо неъматни асраш, шукронасини англашда, бугунги ўсиб келаётган ёш авлодни мардлик, матонат ва жасорат руҳида тарбиялаш ҳамда улар қалбида ҳақиқий ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда фахрийлар учун концерт дастури намойиш этилди. Партия фаоллари ва депутатлар ушбу масканда фахрийлар учун яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдилар.

Уруш ва меҳнат фахрийлари йўқланди

ЎзМТДП Марказий кенгаши, партия Тошкент шаҳар кенгаши, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари ҳамда бир гуруҳ фаоллар партия етакчиси Сарвар Отамуратов бошчилигида 9 май — Хотира ва қадрлаш умумхалқ байрами олдидан Тошкент шаҳридаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида тинчлик учун ҳисса қўшган фахрийлар хонадонида бўлиб, уларни байрам билан табриклаб, совға-салом улашишди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ўзбекистон маҳалласи Сариосиё тор кўчаси 10-уйда истиқомат қилувчи 93 ёшни қаршилаётган Анна Николаевна урушнинг суронли йилларини эсга олиб, биз урушда кўрган даҳшатларни фарзандларимиз асло кўрмасин деб, бугунги тинчлик ва дориломон кунларимизга шукрона билдирди.

Навбатдаги манзил Шайхонтоҳур тумани Катта Ҳовуз маҳалласида истиқомат қилувчи 93 ёшли Асқар бобо Жўраев хонадонида бўлди.

— 7 йил давомида, аниқроғи 1950 йилгача ҳарбий хизматда бўлдим, -дейди Асқар ота. — Урушдан сўнг меҳнат фаолиятимнинг катта қисми ноширлик соҳасида, ҳозирги "Шарқ" компаниясида кечди. Оллоҳга минг қатла шукр, фарзандлар, невара-эваралар қуршовида фаровон умр кечиряпмиз. Ҳар йили 9 май байрами арафасида хонадонимиз йўқлаб келувчилар билан гавжум бўлади. Бундан ҳам хурсандман, ҳам миннатдорман. Президентимиз бизни сийлаб беш миллион сўм нақд пул ва қимматбаҳо соат совға қилганидан бошимиз кўкка етди.

Партия вакиллари Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласи Закариё Розий кўчаси 16-уйда истиқомат этувчи Раҳмон бобо Воҳидов хонадонида ҳам бўлди. 97 ёшни қаршилаётган нуроний отахон бошидан кечирганлари — уруш хотираларини сўзлаб берди.

— Урушдан бир оёғимдан ажралиб қайтдим, аммо бир умр оддий косибчиликда, ҳалол меҳнат қилиб, турмуш ўртоғим билан 5 нафар фарзандни вояга етказдик, — дейди Раҳмон бобо.– Биз кўрган қийинчиликларни ёш авлод сира кўрмасин, невараларим-эвараларимни кулгисини эшитиб турсам кўнглим тасалли топади.

Депутатлар Учтепа тумани Пахтакор маҳалласида яшовчи 87 ёшни қарши олаётган, нефть-газ ва ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси бўйича 150 дан ортиқ патентга эга, кимё фанлари доктори, академик, минглаб ёш мутахассисларнинг устози бўлган Муҳаббат ая Обидова хонадонида ҳам бўлишди.

— Мамлакатимизда нефть кимёси соҳасида илк ва ягона академик аёл эканлигимдан фахрланаман, – деди ая. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан биз академикларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдамдан жуда мамнунман. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни ҳамда бошқа байрамлар арафасида депутатлар, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари ва шогирдларим йўқлаб келиб, менга улкан қувонч улашишади.

Партия вакиллари кун давомида пойтахтнинг Яшнобод тумани Уйсозлар даҳасида истиқомат этувчи София Гилманова, Чилонзор тумани 6-даҳада умргузаронлик қилувчи Обид ота Иноғомов, Юнусобод тумани, Шиблий маҳалласида яшовчи Мухтор ота Расулов, Учтепа туманида умргузаронлик қилаётган Ольга Корниенко ва Қодир ота Азимов, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров сингари уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларида ҳам бўлиб уларни байрам билан қутлашди, совға-саломлар улашилди.

Инсон қадри улуғ

ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбир доирасида партия фаоллари ва депутатлар ҳудуддаги қатор уруш қатнашчилари ва фахрийлар хонадонларида бўлдилар.

Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини 44-хонадонда истиқомат қилиб келаётган I гуруҳ ногирони Бахшилло ота Жабборов хонадони байрам арафасида файзга тўлди. Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ўткир Жумаев ва партия фаолларининг ташрифи хонадон соҳибини руҳлантирди. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат улуғворлигига йўғрилган ушбу учрашувда Бахшилло ота осуда кунлар шукронасини тилаб дуога қўл очди, юртга тинчлик, омонлик тилади.

— "Бўстон" МФЙда истиқомат қилувчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, чинакам матонат ва жасорат соҳиби Маметжума Наврўзов хонадонида бўлганимизда отахон давлатимиз томонидан кексалар, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад мамнунлигини изҳор этди, — дейди ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши раиси Карим Каримов. — Учрашув давомида туман тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги бошланғич партия ташкилоти етакчилари отахонни тиббий кўрикдан ўтказди, дори-дармон воситалари берилди. Инсоният тарихида бўлиб ўтган энг даҳшатли уруш йиллари хотираси, она юрт тупроғини муқаддас билган, жанггоҳларда елкама-елка туриб жанг қилган дўстлари ёдини эсга олар экан, 99 баҳорни қаршилаган отахон Маметжума Наврўзов, "Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, халқимиз янада фаровон яшасин", дея дуога қўл очди.

Дарҳақиқат, инсон хотираси билан тирик, қадри билан улуғ. Бу ибора йиллар давомида келгуси авлод учун ҳам муҳим маъно касб этиб бораверади. Бугун сафимизда қарилик гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларини асраб-авайлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Нуронийлар — юрт ардоғида

Мамлакатимизда кексалар, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратишга доимий эътибор қаратилмоқда. Наманган вилоятида бугунги кунда 61 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 2 минг 740 нафар фронт орти меҳнат фахрийси умргузаронлик қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан қутлуғ сана арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида жонбозлик кўрсатган кексалар ҳолидан хабар олиш мақсадида "Хотира абадий, жасорат мангу!" лойиҳаси доирасида "Биз ҳамиша сизлар билан" хайрия акцияси ташкил этилди.

— Тинчлик йўлида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиб, хайрли ишларини давом эттириш, юртимиз осойишталиги ва ривожи йўлида сидқидилдан меҳнат қилган нуронийларга алоҳида эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятларимиздан биридир, — деди ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ғайратжон Тўйчибоев. — Мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни маъно-мазмунида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган. Наманган шаҳрида истиқомат қилаётган уруш фахрийлари хонадонларида ўтказилган мулоқотларда бугунги дориломон кунлар, тўкинлик ва фаровонликка осонликча эришилмаганини дилдан ҳис этяпмиз. Тинчлик йўлида ўз жонини тиккан ватандошларимизни хотирлаш, жанггоҳлардан омон қайтган ва фронт ортида матонат кўрсатганларни эъзозлаш, дуоларини олиш бурчимиздир.

— Айни вақтда шаҳримизда 10 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси кексалик гаштини сурмоқда, — дейди "Шодиёна" тантаналар мажмуаси раҳбари, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Зайниддин Ҳожи-Акбар. — Уларнинг барчасига давлатимиз раҳбари фармони билан белгиланган 5 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ҳозирга қадар уч нафар фахрий ўзлари жанг қилган мамлакатларга сафар қилиш ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги санаторийларга бориш истагини билдирди. Уларни бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборишни ташкил этиш ҳамда зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Наманган шаҳридаги "Заркент" маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ўн бир нафар фарзандни эл корига ярайдиган қилиб камолга етказган 94 ёшли Низомхон ота Сатторов хонадони шу кунларда янада гавжум. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла аҳли қатори ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳам отахондан ҳол-аҳвол сўраб, ҳашар уюштириб, уй юмушларига кўмаклашди.

"Ҳақиқат" маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шарифжон ота Нуриддинов ҳам урушнинг энг қайноқ ва қонли нуқталарида жанг қилган. 3 йил жангу жадаллар орасида юрди, урушдан қайтгач, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Кейинчалик ҳунарманд сифатида чеварчилик билан шуғулланади. Устачилик ҳам қилиб, кўплаб одамларнинг уй-жойларини қуришда фаол иштирок этди. Мустақиллик йилларидаги меҳнати муносиб қадрланиб, Шарифжон отага "Жасорат" медали ҳамда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик нишони берилди. Отахон ҳар бир сўзида танти ва бунёдкор халқимиз эришаётган ютуқларни ҳаётий мисоллар билан тарғиб этиб, ёш ўғил-қизларни бугунги тинч, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга чорлайди.

* * *

Бу каби учрашув ва мулоқотлар ҳудудлардаги барча партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётир. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилаётган ушбу тадбирлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг маънавияти ривожи ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик, кексаларга ҳурмат кўрсатиш каби миллий хусусиятларимиз тарғиботига қаратилган дастурий вазифалари, шунингдек, ёш авлодни Ватанга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари мақсадлари ижросига хизмат қилади.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бундан ташқари, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишдаги роли, аҳамиятини янги босқичга кўтарди.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган ўнга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 4 майда қабул қилинган "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мана шундай ҳужжатларнинг навбатдагиси бўлди.

Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини шакллантириш ҳамда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги механизмларини, шунингдек, бундай ҳамкорлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бундан ташқари, мазкур кенгаш фуқаролик жамияти секторининг ҳолати ҳақида давлат раҳбарини хабардор қилиб боришга, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ҳақида жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширишга масъул саналади.

Фармон фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда "учинчи сектор"да банд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор имтиёзларни белгилаб берди. Хусусан, 2018 йил 1 июндан бошлаб нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш талаб этилмайди, балки бундай тадбирлар ҳақида хабардор қилиш кифоя бўлади. Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларига чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, чет эл фуқароларидан келиб тушган пул маблағлари ҳамда мол-мулкдан фойдаланиш масаласи рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг тўсиқларсиз амалга оширилади. Учинчидан, ажратилган грант маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистондаги исталган банкда очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади. Улар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси миқдори 25 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Бундан ташқари, муқаддам жамоат фондлари ҳар йилги маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ҳамда уларнинг ўз вазифасини бажаришлари билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги ўрнатилган бўлса, эндиликда ушбу сумма 30 фоиз этиб белгиланди. Яъни жамоат фондларига ўзларининг фаолиятини ташкил этиш учун кўпроқ маблағ жалб этишга рухсат берилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига энди пенсия тўлиқ тўланади.

Фармонга мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни максимал даражада соддалаштиришга қаратилган қоидалар ўрнатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамзларини рўйхатдан ўтказиш, тадбирлари ҳақида хабардор қилиш, йиллик ҳисоботларини топшириш ҳамда чет элдан пул маблағлари, мол-мулк олишни келишишга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этишни таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан назорат қилишнинг аниқ механизми мавжуд эмас. Бу эса назорат қилувчи органларга уларнинг фаолиятини текширишга ортиқча имкон беради. Айнан шунинг учун фармонда Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, муддатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқишга масъул этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари тақдим этадиган ҳисобот шаклларини ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш, улар томонидан қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларни қайта кўриб чиқиб сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритиш юклатилди. Масалан, бугунги кунда давлат солиқ органларига ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаслик 500 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхатдан ўтказувчи органга ўз вақтида ҳисобот бермаслиги 5 миллион сўмгача, яъни ўн баравар кўп миқдорда жарима белгилашга имкон яратади. Ваҳоланки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг асосий мақсади даромад олиш эмас. Чунки бундай ташкилотларда моддий ресурслар чекланган бўлиб, улар таъсисчи ва аъзолар ўртасида тақсимланмайди. Шундай экан, ушбу соҳа вакилларига нисбатан кўп миқдорда жарима белгилаш адолат мезонига тўғри келмайди. Улар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жарималар миқдорини камайтириш айни муддаодир.

Фармон қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларининг манфаатини ҳисобга олиш тизимини яратди. Хусусан, эндиликда ННТларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишиладиган бўлди.

Таъкидлаш жоиз, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолиятини олиб боришлари учун зарур бино ва иншоотларга эга эмасликлари уларни ташвишга солаётган масалалардан бири эди. Шу сабабли фармонда тегишли мутасадди идора ва ташкилотларга 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида бўш ётган, самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этиш, мазкур биноларга нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш вазифаси топширилди.

Фармон нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Фармонда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг мамлакат ривожи учун қўшган ҳиссасини эътироф этиш, уларнинг бундай саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш назарда тутилган. Жумладан, "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони таъсис этилиб, у мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган ишлари, ютуқлари учун топширилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни муваффақиятли амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили мукофот бериш ва унинг танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилди.

Умуман олганда, фармон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, муҳим қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

MILLIY TIKLANISH
19 (503) 2018 йил 9 май, чоршанба

Фракция фаолияти

ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни сақлаш ва фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби ва бошқа масалаларга тааллуқли муҳим 4 та қонуности ҳужжати ишлаб чиқилмаганлиги, архивларда сақланиб келинаётган минглаб маданий мерос хусусиятига эга архив ҳужжатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи махсус қонуности ҳужжати қабул қилинмаганлиги сабабли, юқорида кўрсатилган қонуности ҳужжатларини қабул қилиш бўйича чоралар кўришни таъминлаш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилди. Бундан ташқари, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам фракциямиз аъзолари фаол қатнашди. Ҳисобот даврида 8 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан киритилган бўлса, шундан ёттитасига фракция аъзолари ташаббус кўрсатди. Қуйи палатага киритилган 45 та қонун лойиҳасининг 17 таси бўйича фракция аъзолари масъул бўлиб, қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга ҳисса қўшди. Таъкидлаш жоиз, фракция томонидан айни пайтда иккита — "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Мазкур қонун лойиҳалари йилнинг иккинчи чорагида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, фракция аъзолари томонидан "Маданият тўғрисида"ги, "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам тайёрланмоқда.

Йиғилишда фракция аъзоларининг ҳисобот даврида Давлат дастурлари ижроси, вазирлик ва мутасадди ташкилотларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган ҳисоботлари юзасидан парламент назоратини олиб бориш фаолияти ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, парламент аъзолари жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни таҳлил қилиш мақсадида ҳисобот даврида 36 та туманда бўлди. Ўрганишлар жараёнида депутатлар аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказди. Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг мазкур фаолияти натижалари ҳам кўриб чиқилди.

— Фракциядошларимиз "Халқ манфаати — ҳар нарсадан устун", деган ғоя асосида жойларда аҳоли билан мулоқот олиб борди, ҳудудлардаги ташкилот, корхона ва муассасалар фаолияти билан танишди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Мазкур жараёнда 200 га яқин давлат органи, 614 та тадбиркорлик субъекти, 369 та ижтимоий соҳа объекти, 300 га яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда 2 минг 357 та хонадон, жами 3 800 дан ортиқ объектлардаги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан яқиндан танишилиб, таҳлил қилинди. Фуқаролар томонидан асосан уй-жой, коммунал, аҳоли бандлиги, таълим, тиббий хизмат, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, банк кредити, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиши каби масалалардаги мавжуд муаммолар ўртага ташланган. Уларнинг 743 таси фракция аъзолари ва тегишли маҳаллий давлат органлари ҳамкорлигида жойида ҳал этилган бўлса, 133 таси тегишли вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотларига юборилди, ижроси қатъий назоратга олинди.

Йиғилишда фракция аъзоларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, ўтган даврда депутатлар сайловчилар ҳамда фуқаролардан келаётган мурожаатлар асосида жойлардаги вазият, электоратнинг кайфияти ҳақида хабардор бўлган, мавжуд муаммоларни ечиш бўйича тегишли ташкилотларга 20 та депутатлик сўрови юборган. Шундан 16 таси ижобий ҳал этилган, биттасига жавоб кутилмоқда, қолган учтасини 2019 йилги Давлат дастурига киритиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, парламент ва партия сайтига келган электрон, шунингдек, Қонунчилик палатаси орқали фракция аъзоларига тушган жами 582 мурожаат тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилди ва ижроси назоратга олинди. Мазкур мурожаатларнинг 479 таси (82,3 фоизи) ўз ечимини топган, 31 таси ҳал этилмаган, 72 таси эса республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган мурожаатлардир.

Сарҳисоб йиғилишида партия ва фракциянинг туризм соҳасидаги фаолияти, келгусидаги режалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

ЎзМТДП фракцияси фаолияти, режадаги вазифалар ижроси сарҳисоб қилинар экан, ишлар талаб даражасида эмаслиги, парламент назоратини амалга оширишда барча имкониятдан фойдаланилмаётганлиги, айрим депутатлар сусткашликка йўл қўяётгани танқидий таҳлил қилинди. Фаолиятни янада кучайтириш зарурлиги, депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда соҳалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда ташаббускор бўлиш лозимлиги қайд этилди.

Шундан сўнг фракциянинг иккинчи чоракка мўлжалланган иш режаси яна бир бор кўриб чиқилиб, белгиланган вазифаларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича келишиб олинди. Соҳа ва тармоқлардаги мавжуд муаммоли вазиятлар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга парламент сўрови юбориш, парламент эшитувини ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Нодир МУХТОРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўтган қисқа муддат ичида давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасига оид 15 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қатор вазифалар белгиланди. Айни пайтда ана шу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда туризмнинг ҳар бир йўналишини ривожлантириш, сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристик фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредит ажратиш борасида муҳим амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, айни пайтда, парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида туризм соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат амалга оширилмоқда, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасига кўра, туризм, ички туризм, зиёрат туризми каби тушунчаларга таъриф берилмоқда. Сайёҳларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экотуризм, экстремал, зиёрат туризми каби янги йўналишлари белгиланмоқда. Туризм бўйича давлат органлари билан хусусий секторнинг ҳамкорлигига оид масалалар ўз ифодасини топмоқда. Бир сўз билан айтганда, фракциямиз аъзоларининг мазкур қонунчилик ташаббуси соҳада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, юртимиз ва хорижий сайёҳларга қулай шароит яратишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП: устувор вазифалар

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ

МИЛЛАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қайд этилганидек, ўтган давр давомида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари маданий мерос объектларини муҳофаза этиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида қатор ўрганишларни амалга оширди. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари бу борадаги ўрганишлар асосида сессияларга ташаббус-масалалар киритмоқда. Тарихий-маданий ва археологик обидалар атрофида ободонлаштириш, уларга ташқи муҳит таъсирини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди, тегишли таклифлар ишлаб чиқилаётир. Зеро, маданий мерос объектларини муҳофаза этиш ва шу орқали туризм индустриясини янада ривожлантириш партиянинг энг устувор вазифаларидандир.

Йиғилишда, шунингдек, Маданият вазирлиги, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб-чиқариш бош бошқармаси ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳамда соҳада фаолият олиб бораётган олимлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ва моддий маданий меросини муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда бойитиб бориш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қайд этилганидек, ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлар марказларидаги бир неча минг йиллик ноёб архитектура объектларини асраш, консервация ва реконструкция қилиш мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Моддий-маданий мерос объектларини муҳофазалаш ва улардан самарали фойдаланишга доир ҳали талай муаммолар мавжуд, — деди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб-чиқариш бош бошқармаси инспектори Ғиёсиддин Ражабов. — Масалан, моддий-маданий мерос объектларини реконструкция қилишда, аниқроғи, ганчкорлик соҳасида мутахассислар етишмайди. Илгари юртимизда усталарнинг Самарқанд, Фарғона, Хива мактаблари анча машҳур бўлган. Ҳозирда юртимизда атиги 10–15 нафар ўз ишининг усталари, анъанавий мактаб вакиллари фаолият юритмоқда. Тарихий архитектура объектлари бу замонавий иншоот эмас, уни таъмирлаш ва қайта тиклашда катта маҳорат, билим ва истеъдод талаб этилади.

Йиғилишда юртимизда маданий мерос объектларини асраш, рўйхатдан ўтказиш ва паспортларини тайёрлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида муаммолар мавжудлиги, уларга имкони борича ижобий ечим топиш кераклигини таъкидлади.

Тадбирда сўз олганлар ушбу масала борасида кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар билан бир қаторда келакажда амалга ошириладиган устувор йўналишлар ҳақида ҳам таклифлар билдирди. Бу таклифлар халқимиз, айниқса, ёш авлодни тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтириш орқали иқтисодиёт ривожланишига ҳисса қўшади.

Тадбир якунида партия ва депутатлик бирлашмалари олдида турган

Элдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айланишида юртимизнинг ўзига хос ва бетакрор тарихий-маданий мероси алоҳида ўрин тутади. Шу боис мустақиллик йилларида бой маданий меросимизни асраш, мамлакат миллий бойлиги бўлган маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида аҳамияти ва кўлами жиҳатдан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида ҳали олдимизда турган вазифалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам талай. Масалан, моддий маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги камчилик ва муаммолар соҳага қаратилаётган эътиборни янада кучайтиришни, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари масъулиятини янада ошириш лозимлигини талаб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий ва маданий меросимизни асраб-авайлаш, тарихини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида бу борада алоҳида тўхталиб, юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, партия ва депутатлик бирлашмалари бугун маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасидаги амалий ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Айни шу мақсадда ЎзМТДП билан Маданият вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойлардаги обидаларнинг ҳолатини ўрганиб, муайян таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга оид ташаббус-масалалар ўнлаб Кенгаш сессияларида муҳокама қилинди. Бугунга қадар ЎзМТДП вакиллари иштирокида жойлардаги 5 мингдан ортиқ маданий мерос объектларининг ҳолати ўрганилди. Давлат рўйхатига олинмаган тарихий ва маданий объектларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, уларни қўриқлаш ва асраб-авайлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига таклифлар киритилди. Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, фракциямиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданий мерос соҳасидаги фаолиятни тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Моддий маданий мерос соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳалари юзасидан таклифларини тегишли ташкилотларга тақдим этди.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатларини янада мустаҳкамлайди, уларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, муҳим қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Мазкур фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини шакллантириш ҳамда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги механизмларини, шунингдек, бундай ҳамкорлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш мазкур Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари сифатида белгиланган.

Йиғилишда қайд этилганидек, ушбу фармон айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади. Бунда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, фармонда белгиланган вазифалар хусусида сўз борар экан, унинг ижросини таъминлаш мақсадида жойлардаги партия ташкилотлари ва гуруҳларидан таклифлар олишга келишилди.

Шундан сўнг йиғилишда "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсад-вазифаси — экстремизмдан шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлашдан иборат, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Шу боис ҳам мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузум ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни сақлашга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизликни шакллантиришга, экстремизм соҳасида қонун бузилишларнинг олдини ўз вақтида олиш, аниқлаш, чек қўйишга, уларнинг оқибатларини бартараф қилишга хизмат қилади. Шунингдек, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга, умумэътироф

этилган халқаро меъёрлар ва стандартларни амалга оширишга кўмаклашади. Қонун лойиҳасида "экстремистик фаолият" ("экстремизм"), "экстремист", "экстремизмни молиялаштириш", "экстремистик материал" тушунчасига таъриф берилмоқда, экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари, йўналишлари, унга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи, амалга оширувчи давлат органлари, уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

"Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёш авлодни ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасини шу жиҳатдан муҳокама қилиб, таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар ва концептуал жиҳатдан маъқулланди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзоларининг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси партиянинг мақсад-вазифаларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятли эканлиги таъкидланди. Хусусан, қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилгани ва ушбу лавозимни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни сақлаб қолиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари эътиборига тақдим этилган навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51^1-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги фармони билан тасдиқланган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш хамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51^1-моддасига маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима миқдорини кўпайтириш бўйича ўзгартиш киритилмоқда, "ногирон" деган сўз "ногиронлиги бўлган шахслар" сўзлари билан алмаштирилмоқда. Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратилишини, уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, ногиронларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига фаол жалб этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида тан олинган халқаро меъёрларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга хизмат қилади.

Йиғилишда бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Туризм — ЎзМТДП эътиборида

ЕТУК КАДРЛАР — СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Бугунги кунда туризм саноати дунёда энг илгор ва сердаромад соҳалардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, дунёда 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ долларига етди, дунё бўйича сайёҳлар сони йилига 4–5 фоиз кўпайиб, ҳар йили бошқа давлатларга саёҳат қилувчилар сони 1 миллиарддан ошмоқда.

Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар рўйхатидан ўрин эгаллаган. Мамлакатимизда 7 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Бугун юртимизда 800 дан ортиқ сайёҳлик ташкилоти фаолият кўрсатади, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг мавжуд. Дам олиш масканлари йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш турлари ва сифати юксалиб бормоқда. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг кўпайишига замин яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 16 августдаги "2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар бу борада ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида "Туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини янада такомиллаштириш" мавзусида ўтказилган очиқ мулоқот ушбу йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

Очиқ мулоқотда партия фаоллари, депутатлар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро ишлар бўйича проректори Обиджон Ҳамидов юртимизда туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қатор дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидлади. Жумладан, мазкур олий ўқув юртининг халқаро туризм факультетида ҳам қатор йўналишларда кадрлар тайёрланмоқда, талабалар соҳа сирларини чуқур ўрганишлари учун барча имконият яратилган.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

– Туризм – иқтисодиётнинг асосий соҳаси, шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини тўла ишга солишга устувор аҳамият қаратилмоқда, — деди партия етакчиси. — Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Туризм Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши йўлида самарали хизмат қилади. Шунингдек, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамиятини эътироф ва тарғиб этади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида туризмни ривожлантириш, шунингдек, ватандошларимизга ва хорижий туристларга Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисида ишончли ахборотни етказиш қўникмаларига эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизими самарадорлигини оширишга кўмаклашиш вазифаси белгиланган. Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Республика бўйича аэропортлар, меҳмонхоналар фаолияти, уларнинг сервис ва сифат даражаси ўрганиб чиқилди. Бунда турли муаммолар, жумладан, баъзи вилоятлардаги айрим меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги аниқланди. Бу эса барча ҳудудларимиздаги туризмга алоқадор ташкилотлар ҳамда соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари билан алоқани янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бой тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Очиқ мулоқотда қайд этилганидек, мамлакатимизда туризм ривожлангани сайин, соҳа ходимларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам кучайиб боради. Шу маънода, юртимизда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини муттасил ошириб бориш тизимининг бугунги ҳолати талабга жавоб бермайди. Айни кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежларда сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Тадбирда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Анвар Аллаберганов туризмнинг барча соҳа билан алоқадор экани, кадрлар тайёрлашда ҳар бир ўтилаётган фанга жиддий ёндашиш, бунда айниқса, сайёҳлик соҳасини тартибга соладиган миллий ва халқаро қонунчиликни ўргатишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Очиқ мулоқот савол-жавобларга бой тарзда давом этди. Иштирокчилар хусусий туристик ташкилотлар фаолияти, улар билан тузиладиган шартнома, меҳмонхона хизматини ташкил қилишда сифат даражаси, туризм коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага оид ўқув дастурларини такомиллаштириш, туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, ўқув муассасалари билан иш таклиф этувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, амалиёт ўқитувчисининг маошига қўшимча устама ҳақи белгилаш сингари турли мавзулар юзасидан фикр алмашдилар. "Туризм ва сервис" кафедраси фаолияти, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда инновацион ҳамкорлик доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан тақдимотлар бўлиб ўтди.



Тадбир сўнггида иштирокчилар халқаро туризм факультети таълим жараёни билан танишдилар.

Муҳаммадсиддиқ ОМОНБОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультети "Туризм ва сервис" кафедраси мудири:

– Мамлакатимизда туризм таълимини ривожлантириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мамлакат сайёҳлик салоҳиятини янада оширишда соҳа мутахассислари малакаси муҳим ўрин тутади. "Туризм ва сервис" кафедрасида бакалавр босқичида "Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш", "Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил этиш ва бошқариш)", иккинчи таълимда "Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил этиш ва бошқариш)", магистратура босқичида эса Туризм (Туризм менежменти) сингари таълим йўналишлари бўйича таҳсил олинади. Халқаро туризм факультети Испания, Греция, Германия сингари давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик олиб боради. Ҳар йили 20 нафарга яқин талаба шу давлатларда амалиёт ўтаб келади. "Туризм ва сервис" кафедраси бир қатор меҳмонхоналар ва сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Факультетимиз ўқитувчилари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, туризм индустриясини ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз ҳудудларида туристик объектларини ўрганиш бўйича Сурхондарё вилоятида сафарда бўлди. Айрим туманлар аҳолиси орасида туристларни ўзига жалб қилаётган вилоятдаги иншоотларга қизиқишнинг пастлиги, бунинг учун рекламадан кенг фойдаланиш кераклиги, транспорт тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги муҳокама қилинди. Термиз тумани марказидаги Термиз денгизи эътибордан четда қолаётганлиги ҳамда инфратузилма йўқлиги сабаб, уни ижобий ҳолатга ўзгартириш учун маблағ ажратилиши лозимлиги ўрганилди.

Муборак ҒАНИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти:

– Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси етакчиси туризм соҳасида кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон тарихи фанини янада чуқурроқ ўргатиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Соҳа мутахассиси сифатида бу таклифни маъқуллайман. Чунки ҳар бир сайёҳ, энг аввало, мамлакат тарихи билан қизиқади. Биз етказаётган кадрлар буюк сиймоларимиз ҳаёти, обидаларимиз хусусида етарлича билимга эга бўлгандагина сифатли хизмат амалга оширилади.

Университетимизда туризм соҳасида кадрлар тайёрлашда "Музейшунослик" фани киритилганлиги айни муддао бўлди. Талабалар Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом уй музейларида бўлиб, уларнинг фаолияти, айрим муаммолар юзасидан ўрганишлар олиб борди. Бу эса музей туризмини ривожлантириш борасидаги ижобий қадамлардир. Агар ўқув жараёнига "Археологик билим асослари", "Маданиятшунослик" сингари фанлар ҳам киритилса, айни муддао бўларди.

Севара РАСУЛОВА,
халқаро туризм факультети 3-курс талабаси:

– Бугунги очиқ мулоқотда биз ёшлар ҳам ўз таклифларимизни билдирдик. Таълим жараёнида мутахассислик фанлари янада кенгайтирилса, улар қаторига "Туризм ва туристлар ҳуқуқи" фани киритилса, бўлажак соҳа кадрлари салоҳияти, билим ва кўникмалари янада ошишига хизмат қилади. Яна бир масала, маъруза ва амалиёт уйғунлиги талабани келажакда етук мутахассис бўлиб етишини таъминлайди. Амалиёт 17 ҳафта эмас 30 ҳафтагача узайтирилса, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан махсус ўқув курслари ташкил этилиб, унда гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқитилса, амалий томонлама яхши ўзлаштирган талабаларга махсус сертификатлар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Очиқ мулоқот

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда тарихий ўзгаришлар, таъбир жоиз бўлса, илгари мисли кўрилмаган ислоҳотлар жараёни кечмоқда, — деди партия етакчиси. — Жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад — "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган олижаноб тамойил устувор бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шароит яратиш, барча соҳаларни модернизация қуриш каби ҳолатлар учрамоқда. Мавжуд муаммоларнинг сабабларини ўрганиш, ушбу ҳолатлар бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш кечиктириб бўлмас вазифадир. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаол, ташаббускор бўлиб, жойларда ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиши, уларнинг қизиқишлари, муаммоларини ўрганиш ишларини янада кучайтириши лозим.

Очиқ мулоқот давомида ёшларга қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

ЁШЛАРИМИЗ БУГУН НИМАЛАР БИЛАН БАНД?

қилиш ва эркинлаштиришдек мақсадларга хизмат қилаётир.

Ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ёшларнинг ўрни ва роли жуда муҳим, албатта. Негаки, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси, бундан кейинги тараққиётимиз ўсиб-ўниб келаётган навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, маънавияти ва интеллектуал салоҳияти билан бевосита боғлиқ. Бугунги очиқ мулоқотни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти бўйича аҳоли, айниқса, ёшларни хабардор қилиш, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти билан кенг жамоатчиликни таништириш, уларни қийнаётган муаммо ҳамда камчиликларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат.

Албатта, ёшларимизда фаол ҳаётий нуқтаи назар, аниқ бир мақсадга интилувчанлик, ижтимоий ҳаракатчанлик изчил шаклланиб бораётир. Аммо амалга оширилаётган тизимли саъй-ҳаракатларга қарамасдан ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, эрта турмуш йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида кенг маълумот берилди.

Шунингдек, тадбирда бугунги глобаллашув даврининг ютуқ ва камчиликлари, ёшлар ўртасида учраётган муаммоларни ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, таклифлар илгари сурилди. Партиянинг фаол ёшлари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Жумладан, очиқ мулоқот давомида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Жиззах академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Азиза Шокирова таълим масканида ўқувчилар учун кичикроқ бўлса-да, футбол стадиони қурилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаат ўша жойнинг ўзида ўрганилиб, вилоят ҳокимлигига хат орқали юборилди.

Тадбир сўнггида партия сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Мингжигит ХОЛБЕКОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Ёшларимиз бугун нималар билан банд? Қандай юксак марраларни эгалламоқда? Уларни қандай муаммолар ўйлантиради? Очиқ мулоқот давомида шу каби саволларга жавоб изланди, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил ва самарали амалга оширилиши замирида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ташаббускор ва шижоатли ёш авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадлар мужассамлиги алоҳида таъкидланди.

Айтиш жоиз, бугунги замон ҳар биримиздан ўта ҳушёрликни, масъулият ва ватанпарварликни талаб этмоқда. Шундай бўлгач, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, ғайрат-шижоат билан илм чўққиларини эгаллаш, ташаббускор бўлиш ёшларимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Жуманиёз САНГИРОВ,
Жиззах давлат педагогика институти талабаси:

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ёшлар иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этишни муҳим вазифа қилиб белгиланган эди. Шунга кўра, ёшларга қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш, депутатлар билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш масаласида кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Очиқ мулоқотда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, жойларда турли тарихий ашё ва буюмларни тўплаш, уларни тегишли ўлкашунослик музейларига топшириш борасида бир қатор таклифимни билдирдим.

Биз, ёшлар учун ташкиллаштирилаётган бундай мулоқотлар сиёсий билимларимиз ва ҳуқуқий маданиятимизни ошириш, мамлакатимиз қонунчилик соҳасидаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини юксалтиришга хизмат қилади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

QQB QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни
9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
умумхалқ байрами билан самимий табриклаймиз.
Хотира — муқаддас, инсон қадри—азиз!
Ватанимиздаги тинчлик, эркинлик
ва фаровонлик бардавом бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

Реклама

UTG UZTRANSGAZ

"ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ "ХОРАЗМГАЗ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
билан қутлайди.

Ўзаро меҳр-оқибат, яратувчанлик шижоати ҳар биримизни асло тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган

Реклама

IPOTEKA BANK

"Ипотека банк" АТИБ Хоразм вилоят филиали жамоаси

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларини
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
билан табриклайди.

Асрий анъана ва қадриятларимиз бардавом бўлсин!

МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ТИНЧЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Хизматлар лицензияланган

Бизнес-семинар

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес янада равнақ топиши учун тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда "Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади", деган ҳаётий тамойилни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

ЁШЛАР ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бизнес-тренер Меҳринисо Абдураззоқова иштирокида ўтказилган бизнес-семинар ёшларни кенг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, соҳага доир янгилик ва маълумотларни етказишга бағишланди.

Маълумки, бугун мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу маънода, ёшларни фаол тадбиркорликка жалб этиш, замонавий иш жойлари яратиш, бандлик масаласига ечим топиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлмоқда. Ушбу муҳим масаланинг ечими эса бевосита юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очиш, инвестицион ва бизнес муҳитнинг ривожланиб бориши билан боғлиқ жараёндир.

— Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор ва фармон замирида, албатта, халқимиз ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш масаласи мужассам, — дейди бизнес-тренер Меҳринисо Абдураззоқова. — Шундай экан халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ҳар томонлама қулай меҳнат шароитлари яратиш, бандлик масаласини таъминлаш бугуннинг ёшлари, фаол тадбиркорлар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Бизнес-семинарда айнан ёш тадбиркорлар учун муҳим бўлган маълумот, тавсия ва кўникмалар берилди.

Бизнес-семинарда ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш, муваффақиятли логотип, бренд яратиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, мижоз билан муносабатга киришиш, рақобатчиларга нисбатан устун бўлиш йўл-йўриқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган семинарда тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатлари, ноёб савдо таклифи, маҳсулот яшаш даврининг 4 босқичи бўйича иштирокчилар билан ўзаро фикр алмашилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

РАВОЧ — ИШТАҲАОЧАР, СЕРСУВ, ФОЙДАЛИ ЎСИМЛИК

Равоч баҳорнинг дастлабки ойларида етилади. Уни кўпчилик севиб истеъмол қилади. 150 га яқин тури мавжуд. Ушбу маданийлашган ўсимлик Хитойнинг марказий қисмида полиз экини сифатида етиштирилади. Барглари сариқ-яшил ва қизил рангда, узунлиги 20–40 сантиметргача бўлади.

Равоч Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида ҳамда қир-адирларда ёввойи ҳолда ўсади. Ўсимликнинг ёш, қалин, серсув барглари хушхўр ва иштаҳаочар маҳсулот сифатида истеъмол қилинади. Баргларининг мазаси нордон, таркибида олма ва лимон кислотаси ҳам мавжуд.

Мазкур ўсимликнинг илдизи ҳам шифобахш, барги серсув. Даво мақсадида илдизи ва илдизпоясидан фойдаланиш мумкин. Равочдан тиндирма ва шарбат ҳам тайёрланади.

Равоч камқонликнинг олдини олишда айни муддао. Ундан авитаминозни даволашда доривор восита сифатида фойдаланилади. Айниқса, ўпка касалликлари билан хасталанган беморлар учун равоч истеъмол қилиш фойдали. Бу маҳсулотни тери, тирноқ ва соч ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳам қўллаш мумкин.

Халқ табобатида равочдан бир қанча хасталикни даволаш ва олдини олишда фойдаланилади. Масалан, қабзиятни даволашда равоч илдизи яхшилаб тўғралади. Бир стакан қайнаган сувга аралаштирилиб, худди чой сингари дамланади. Тайёр дамлама ухлашдан олдин стаканнинг учдан бир қисми миқдорида ичилади.

Равочнинг ўзидан тайёрланган дамлама қон босими кўтарилишида фойдали. Дамламани тайёрлаш учун икки ош қошиқ қуритилган равоч майдаланиб, 1,5 стакан қайноқ сувга солиб аралаштирилади. Ушбу аралашма 30 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Тайёр бўлгач, оловдан олиб совутилади. 1,5 стакан дамламани истеъмол қилиш, кун давомида артериал қон босимини меъёрига келтириш учун етарли саналади.

Панкреатит (меъда ости бези яллиғланиши) ва гастрит (меъда шиллиқ қавати яллиғланиши) ҳамда меъда ҳамда ўн икки бармоқли ичак касалликларидан азият чекаётган беморларга ушбу ўсимликни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Равоч таркибида жуда кўп миқдорда органик кислоталар мавжудлиги боис, у буйрак ва ўт пуфагида тошлар йиғилишига сабаб бўлади. Шу боис уни пешоб-тош ва ўт-тош касаллиги билан оғриган беморлар истеъмол қилмагани маъқул.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши партия Вобкент туман кенгаши раиси Тўймурод Яқубовга отаси

Рустам ЯҚУБОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Маъмура Қурбоновага онаси

Сожида БЎРИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 516, Адади — 7730. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Навбатчи: Оқилхон ДАДАБОЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 23.25. Топширилди — 00.40.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345